

18 ОКТЯБР - САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ



Самарқанд шаҳри ўзига хос макон. Ушбу шаҳар тўғрисида, бир нима дейишга ҳам чўчийсан. Шунчалар салобатли, шунчалар машҳур. Ўз пайтида бутун жаҳонни титратган Амир Тему́р давлатининг пойтахти. Минтақада қанча машҳур зот ўтган бўлса, ҳаммасининг қадами етган жой...

Ҳар йили **18 октябр** санасида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти **Ислом Каримовнинг** ташаббуси билан «**Самарқанд шаҳри**» куни кенг нишонланади. Мазкур таклиф Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 1996 йил 18 октябрда Амир Тему́р таваллудининг 660-йиллигига бағишланган тантанادا берилган ва шу кунда шаҳарга Амир Тему́р ордени топширилган.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган бу шаҳар илм, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик маркази шунингдек, дунё тараққиётининг йирик марказларидан бири ҳисобланади.

Самарқанд шаҳарида ҳозирги кунда ўндан зиёд янги боғ ва хиёбонлар ташкил этилган, табиати ва иқлимга мос дарахт кўчатлари ўтказилган. Шаҳарнинг барча ҳудудларида замонавий лойиҳалар асосида яратилган фавворалар мавжуд.

Шаҳардаги «**Регистон**» мажмуаси, «**Амир Тему́р**», «**Оқсарой**», «**Шоҳи Зинда ёдгорлиги**», «**Бибихоним**» масжидларида ва бошқа бир қатор тарихий обидаларида реконструкция ишлари бажарилган бўлиб, **ЮНЕСКО** ташкилотининг 2001 йил Финляндияда ўтказилган 25 сессиясида Самарқанддаги мазкур меъморий-тарихий ёдгорликлар ва бошқа обидалар **Жаҳон мероси** рўйхатида киритилган.



2019-10-18 15:18:39